

Ислом донишманди: Абу Наср Форобий



14:32 / 16.03.2025 2402

Абу Наср Форобий аввало Қуръон ва шариатни ўрганиш лозим деган. Ислом файласуфлари тўғрисида «Тарих ҳукамо ал-ислом» номли китоб ёзган.

Заҳируддин Абулҳасан ал-Байҳақий (499-565 ҳ./1105-1170 м.) бундай деган:

«Ҳақим донишмандлар тўрт нафардир. Иккиси исломдан олдин ўтган. Улар Арасту (Аристотел) ва Буқрот (Гиппократ). Иккиси эса Исломда ўтган. Улар Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Синодир. Ислом донишмандлари орасида аввал Форобийдан афзали бўлмаган».

Буюк донишманд, улуғ ҳақим Абу Наср Форобий ҳазратлари бундай деганлар:

«Ҳикмат илми (фалсафа ва умуман илм-фан) билан шуғулланишни истаган кимса ёш, мижози эса соғлом ҳамда яхши инсонларнинг одоби билан одобланган бўлмоғи керак. Энг аввало, Қуръонни, луғат ва шариат илмини ўрганиши лозим. Меҳрибон, ифбатли, бетакаллуф ва тўғрисиўз бўлсин. Фисқу фужурдан узоқ, ёлғондан ва хиёнатдан ҳамда макр ва ҳийладан юз ўгирган бўлсин. Тирикчилик ташвишларидан хотиржам бўлсин. Шаръий бурчларини адо қилишга интилувчан ҳамда шариат арконларидан бирортасига халал етказмайдиган бўлсин. Балки суннат одобларидан бирортасига бепарво бўлмасин. Илм ва олимларни улуғловчи ва таъзим этувчи бўлсин. Унинг-ча, фақат илм ва илм аҳлигина қадрли бўлсин. Илмини касб ва ҳунарлар қаторида санамасин ва илмини мол-мулк жамғарадиган бир восита қилиб олмасин. Кимки шунинг тескарисини қилса, у ёлғон ва сохта билимдондир. Зотан, ёлғон тўғри гап бўлмас, сохта эса нақд пул бўлолмайди. Худди шундай, кимнинг хулқ-атворида биз эслатган нарсаларнинг акси бўлса, у донишмандлар сирасидан саналмайди! Кимки дунёда илмини ахлоқ билан покламас экан, охирада бахтиёр бўлолмайди!»

(Заҳируддин ал-Байҳақий. Тарих ҳукамо ал-ислом / Таҳқиқ: Муҳаммад курд Али. – Дамашқ: «Тараққий» матбааси, 1946. – Б. 34-35).

Ҳамидуллоҳ Беруний

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартдаги 03-07/1462-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.